

Тақдирот

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ
ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

Давлатимиз раҳбари қурилиш лойиҳалари тақдироти билан танишди. Тақдиротда Паркент туманида туризмни ривожлантириш лойиҳаси ҳам намоиш қилинди.



Президентимиз вилоятда туризм имкониятлари жуда юқорилигини таъкидлаб, туманларда бундан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, Зангиота, Чиноз, Оҳангарон, Ангрен, Паркент ва Бўстонлиқ туманларини боғлайдиган "Тошкент вилоятининг олтин ҳалқаси" ташкил этилмоқда.

Масалан, Паркент туманида Кумушкон, Заркент ва Сўқоқ қишлоқлари атрофида дам олиш масканлари кўп. Лекин инфратузилма етарли бўлмагани сабабли хизматлар ривожланмаган.

Шу боис, бу бўйича алоҳида бош режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, Паркентдаги ту-

ризм ҳудуди-га олиб бору-ручи йўллар яхшила-ниб, электр энер-гияси, ичимлик суви тармоқлари қуввати оширилади. Қаровсиз адирликларга сув чиқарилиб, соя-салқин масканлар кўпайтирилади. Умуман айтганда, инфратузилма давлат томонидан барпо этилиб, туризм учун истиқболли ҳудудлар аукци-онга қўйилади.

ВИЛОЯТ
БЎЙЛАБ

ҚИБРАЙ туманидаги «Дархон» маҳалласи-да вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Равшан Раимов сайёр қа-бул ўтказди.

Унда 30 нафардан ортиқ фуқаролар-дан турли масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушди. Шунингдек, қабул давомида ҳудудни янада ободонлаштириш, инфрату-зилмасини ривожлантириш, янги иш ўрин-лари яратиш ва аҳолининг реал даромадли-рини ошириш каби долзарб йўналишларда ҳам вази-фа ва режалар белгилаб олинди.

ПИСКЕНТ туманида ишсиз аёллар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 64 та корхона ва ташки-лот мавжуд бўш иш ўринлари билан қат-нашди. Ярмаркадан сўнг 800 та хотин-қиз-га иш таклиф этилган "Mark Formelle IT" МЧЖ текстиль корхонасига саёҳат уюшти-рилди.

БЎКА туманидаги "Маданият ва аҳо-ли дам олиш маркази"да маҳаллаларда ёшларнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақса-дида ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўз-бекистон ёш фермерлари Кенгаши томо-нидан семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарда Пискент, Бекобод, Оққўрғон ва Бўка туманларида яшовчи маҳалла-лардаги ишсиз, «Ёшлар дафтари»га ки-ритилган, меҳнат миграциясидан қайтиб келган ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қи-зикқан ёшлар қамраб олинди.

ЯНГИЙЎЛ туманининг ИИБ ходим-лари томонидан тумандаги 22 та умумий ўрта таълим мактабларида вояга етмаган-лар ва ёшлар ўртасида ҳўқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳванд-ликка қарши курашиш, йўл ҳаракати қондаларига риоя этиш, шунингдек, қиз-лар ўртасида эрта никоҳ, эрта туғруқнинг олдини олиш бўйича тарбиёт-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Тилга сароҳат –
ВАТАНИЙ ИШДИР

21 октябрь

Ўзбек
тили
байрам
куни

Қадимий тил сифати-да эътироф этилаётган ўзбек тили миллий қад-рият, ўзликни англаш, мустақил давлатчилик тимсоли, маънавий бойлик, халқимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб бор-моқда.

1989-90 йилларда тилимизга соф ўзбек тили-даги айрим сўзларни киритишга олимларимиз кўп ҳаракат қилишди. Масалан, "учок", "тайёра", "тик-учок" сингари сўзларнинг асл маъноси берилсада, тушунсак ҳам қабул қилмадик. Бу ҳалигача давом этмоқда. Ўша вақтларда қандайдир кўзга кўринмас тўсиқ бордек туоларди. Аммо, бугун-чи, нима учун талаффузи ўз тилимизда айтиладиган, тушуниладиган сўзларни инкор қилармиз?

Давр муаммосини кўтармоқчи эмасмиз. Фикри-мизча, бугун ҳам миллий тил ва унинг равнақи учун ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгаги-на керақдай, илмий-амалий соҳа учун ишлати-лаётгандай.

2

Турбат ҳайратлари ва ибратлари

Ҳамдўстлик

Яқинда Тошкент ви-лояти делега-цияси сафида Қозоғистоннинг қўшни Турбат қишлоғида бў-либ қайтдик.

Кейинги йиллар Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг кўп асрлик ўтмишга эга ўзаро дўстона муноса-батларида янги, тарихий давр бўлди. Хусусан, икки мамлакат раҳбарлари-нинг сайё-ҳаракати билан нафақат

ўзаро савдо ва иқтисодий ҳам-корлик, балки, чинакам қардошлик самимиятига асосланган яқин қўш-ничилик муносабатлари ҳам жадал ривожланмоқда.

Бу галги сафаримиз Қозоғистон Республикасининг Туркистон вилоя-ти, Қазигурт тумани ўзбек этномар-казининг тақлифига биноан мазкур туманининг Турбат қишлоғида таш-кил этилган аънавий "Дўстлик дастурхони" – палов фестивалида иштирок этиш билан боғлиқ бўлди.

"ЯЙЛОВДА МОЛИ – ГЎШАНГАДА БОШИ..."

Турбат қадимий Шош ва Сарём шаҳарлари билан ёши жиҳатидан тенг кўҳна масканлардан саналади. У Ипак йўли ўтган икки буюк шаҳар ораллиғида жойлашган. Турбат деб номланиши ҳам унинг қадимийли-гига далолат.

Бу ерда истиқомат қилаётган 12 мингга яқин аҳолининг тенг ярми ўз-

беклардир. Неча асрларки, бу ерда ўзбек ва қозоқ халқлари вакиллари аҳил-иноқликда умргузaronлик қи-либ келадилар.

Турбатда шундай бир ажиб ибора машҳур экан: "Ўзбек билан қозоқ – яйловда моли, гўшангада боши қовушган эл..."

Қишлоқда ўзбек халқининг аза-лий урф-одат ва аънавалари, тили ва қадриятларига катта ҳўрмат ва эҳтиром билан қаралади. Хусусан, ҳудудда 1 та ўзбек мактаби, ўзбек миллий маданий маркази бўли-ми фаолият юритади. Бу ерда ҳар йили ўзбек халқининг шоҳ таоми – палов фестивалининг мунтазам равишда ўтказиб келиниши, унда Қозоғистоннинг турли ҳудудлари-дан ҳаваскор ошпазлар қатнашиши Турбатда ўзбек пазандалик аънава-лари ҳам бардавом эканидан дарак беради.

Дарвоқе, қўшни Тошкент вилоя-ти вакиллари билан бу аънавий



фестивалда илк бора иштирок этишлари эмас. Янгилишмасак, бун-дан уч-тўрт йил муқаддам ҳам бир гуруҳ санъат ва маданият аҳли билан бу кўҳна овулга келгандик. Қишлоқда ташкил этилган ош чем-пионати, маърифий гурунлар, ма-даний тадбирлар ҳаяжони ҳали ҳам

ариган эмас. Турбатликлар ҳофи-зимиз Тошпўлат Маткаримовни ҳеч қўйиб юборишмагани, яна айтинг, яна айтинг, деб "эговлик" қилиш-ганини кўриб ҳамроҳим, ажойиб шоир Ботир Эргашга кўз сиққанам ёдимда: "Ўзбек Африкада ҳам ўзбек-да!..."

2

131 та
лойиҳа
ғолиб бўлди

Фуқароларнинг бюджет жараёнидаги ишти-рокини таъминлаш ташаббуси, яъни улар-нинг "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларида фаоллигини ошириш, маблағларнинг мақсадли сарфланишини ўрга-ниш мақсадида Тошкент ви-лоятдаги маҳалла раисла-ри, ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари иштирокида семи-нар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Таҳлилларга кўра, жорий йил 2 мавсумда Тошкент вилоя-тида фуқаролар томонидан жамо-ат манфаатларига хизмат қилувчи 2 мингга яқин лойиҳа овоз бериш жараён-ларида иштирок этди. Шундан энг кўп овоз тўплаган 131 та лойиҳа ғолиб бўлган. Унда фуқаролар томонидан инфратузилмани яхшилаш, ҳибонлар, бо-лалар ва спорт майдончалари, ички йўлларни қуриш, мактаблар-ни таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда бошқа масалалар бўйича лойи-ҳалар таклиф этилди.

Жумладан, 117 та маҳалладаги 131 та лойиҳа учун бугунги кун-гача 87,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Эътиборлиси, ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 32 та лойиҳа учун ҳам қўшимча 29,9 миллиард сўм маблағ ажратилади. 2023 йил 1 январдан эса "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари учун маблағлар 2 бараварга оширилади. Аҳолининг 70 фоизидан ортиғи овоз беришда қатнашган маҳаллаларга, лойиҳаси ғолиб бўлиш ёки бўлмағанидан қатъи назар, маблағ ажратиш тартиби жорий қилинади.

Айниқса, "Ташаббусли бюджет" доирасида Тошкент вилояти бўйича тиббиёт муассасаларини зарур ускуналар билан жиҳоз-лаш юзасидан келиб тушган 190 та лойиҳага келгуси йилда бю-джетдан алоҳида маблағ ажратилади. Шунингдек, 2023 йилдан ви-лоят бюджети қўшимча маблағларининг 30 фоизи "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларига берилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

Обуна – 2023

Қадрдон газетангиз

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" га

2023 йил учун ОБУНА

бўлишини унутманг.



Нашр индекси – 205.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ

«Ўзбекистон» МЧЖ ХКнинг ичимлик суви етказиб бериш
хизматларига нарх ҳисоб-китоблари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6074-сонли Фармонига асосан вилоятда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари тарифларини тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6074-сонли Фармони маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
- «Ўзбекистон» МЧЖ ХК томонидан ишлаб чиқилган ичимлик суви етказиб бериш хизматларига нарх ҳисоб-китоблари иловага мувофиқ маъқуллансин. Бунда Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 12 апрелдаги Т-11-01/03-1475-сонли ҳамда вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармасининг 2022 йил 14 апрелдаги 01-20/27-05-32/1330-сонли хатлари инобатга олинсин.
- Вилоят ҳокимининг матбуот қотиби-ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Б.Қабулов мазкур қарорни «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарида ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.
- «Ўзбекистон» МЧЖ ХК белгиланган нархларни асоссиз ошириб юбормаслик учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.
- Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ахмадали Худойбеганов ҳамда вилоят ҳокимининг шахарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Барҳаёт Мелиев зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
вилоят Кенгаши раиси

2022 йил 17 октябрь
Тошкент вилояти ҳокимлиги

З. Мирзаев

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг
2022 йил 17 октябрьдаги ВИ-61-137-10-0-К/22-сон қарорига
1-илова

«Ўзбекистон» МЧЖ ХК томонидан ичимлик суви етказиб бериш учун
амалдаги ва таклиф этилаётган нархлар (тарифлар)

№	Хизмат тури	Амалдаги нарх (тариф) (сўм)	Амалдаги нарх (тариф) (сўм) (КҚС билан)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм) (КҚС билан)
Ичимлик суви нархи					
1	Ҳисобдон асосида сотиш учун	122	x	670	x
2	Ҳисобдон мавжуд бўлмаганда	122	122	1005	1005
3	Бюджет корхоналари учун	490	563,5	1400	1610
4	Ушғуржи истеъмолчилар учун	490	563,5	1400	1610

Қозогистоннинг
“мега шаҳри”да
ўзбек тили байрами

Қишлоқ ахлининг айтишича, кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган чемпионатда икки йил “мажбурий таътил” бўлган ҳолос – номинг ўқур пандемия сабаб. Бироқ, бу ерда умргузаронлик қилаётган ўзбек ва қозоқ биродарларимизнинг урф-одат ва аънаналари, ўзаро меҳр-оқибати, қўшни мамлакатлардаги ёр-биродарлари билан алоқаларида бир лаҳза ҳам танаффус бўлган эмас.

Бугунги омон-омон замонларга келиб, мана, яна дўстлик дастурхонлари ёзилиб, меҳмондўст турбатликларнинг хос қадриятлари ўз маромида давом этмоқда.

Тошкент вилоятидан меҳмон бўлиб борган вилоят Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Сайёра Файzieва, вилоят намунали Мақом ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ ҳофиси Сойибжон Ниёзов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Наргиза Асадова, Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази фаоли Азиза Душенова ва бошқалар дастлаб Турбат овули акимлигидаги ўзбек миллий маданий маркази фаолияти билан танишдилар. Бу ерда ташкил этилган мўъжаз кутубхонага ўзбек тилидаги китоблар тўхфа этилди.

Анжуманга мезбонлик қилган Қозогистон Республикасидаги ўзбеклар ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжонов, Туркистон вилоятининг ўзбек тилида чоп этилиб, бутун мамлакат бўйлаб тарқатиладиган “Жанубий Қозогистон” газетаси бош муҳаррири Алишер Сотволдиев, Туроб Тўла номдаги ўзбек мактаби директори Жавлон Собитов, шунингдек, Туркистон вилояти ўзбеклари маданияти бирлашмаси кенгаши, Қозогистон “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши вакиллари, ҳалаллий кенгаш депутатлари билан кенган ўзаро самимий мулоқотларда икки дўст ва қардош, стратегик шерик давлатлар халқларининг азаллий ва абадий манфаатларига мос тарзда ҳамдўстлик аънаналари, борди-кендилар юксак самимият ва ўзаро ҳурмат асосида раванқ топиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ҳамроҳимиз Сайёра Файzieвага эҳтиром билан Қозогистон Республикасидаги ўзбеклар ҳамжамияти таъсис этган “Дўстлик” нишони топширилди.

– Икки дўст халқнинг ҳамиша орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари муштарак бўлиб келган, – дейди Икром оғамиз. – Бизнинг мамлакатдаги ўзбеклар ҳамжамияти мана шу мақсадлар рўёби йўлида ҳамisha мустаҳкам кўприк бўлишга интилмоқда. Биз икки мамлакат раҳбариятининг бу самими

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шу ўринда Исҳоқжон тўра Ибратнинг “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилларни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садокат – бу ватаний ишдир”, деб бир аср нарида айтган сўзларини келтиришни жоиз деб билдик.

ЎРНИМИЗНИ БИЛАЙЛИК

Бугун миллий етакчимиз бошчилигида тилимизни асраб-авайлаш мақсадида қонун, бир нечта фармонлар қабул қилинди. Қонун билан “Ўзбек тили байрами куни” белгиланди. Тилга бўлган эътибор амалиётга кўчирилиб, мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадрият эканлиги намоён этилмоқда.

Тарих – бор ҳақиқат. Тилнинг ўрнини билишимиз, биз қайси авлод вакиллари эканлигимизни яна бир бор ёшларга ўқитишимиз учун архив ҳужжатларини кўтаришнинг ўзи кифоя. Минглаб аجدодларимиз ўз тили ҳимояси учун қатагон қилинган. “Айблов ҳужжатлари гапирганда” тилимизнинг, ўзимизнинг ўрнимиз қаердалигини тушуниб етамиз.

Ўзбекистонда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш билан иш битади дейиш осон. Бунга фақат хоҳиш ва ирода керак. Хоҳиш бўлиши учун эса, кучли тарғибот ва тил мафқураси бўлиши лозим.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Тил сиёсатини мафқура қилиб юритар эканмиз, ўз она тилимизни қанчалик ҳурмат қилишимиз, биринчи навбатда оиллага ҳам боғлиқ. Ҳар бир оилада, мулоқот тили биринчи ўринда ўзликни англашга етаклайди. Оилада миллий тилимизга бўлган эътибор кучли бўларкан, бола аввало эътибор ва эъзозланган она тилда фикрлайди.

Оилада ўз она тилида мулоқот қилиб, мактабда бошқа тилда суҳбатлашадиган бола аста-секин “мактаб тили”га ўтиб олишини кўпчилик яхши билса керак. Бу эса, фарзандларимизни менталитетимизга мос қилиб воғза етказишда анча мушкулот туғдиради. Ўзликни англашда тилни биринчи ўринга қўйсак инсон маънавиятини шакллантиришдаги ўрни келиб чиқади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ТИЛ СИЁСАТИ
ҚАНДАЙ БЎЛИШ КЕРАК?
2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепциясида тилимизни ривожлантиришнинг муҳим омиллари белгиланган. Жумладан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳала-

қўйсаккина, чиндан ўзбек тилини бойитиб борамиз. Бунинг учун ҳар бир соҳа вакиллари фаолиятидаги сўз ва атамаларнинг муқобилини яратиб, луғавий изоҳини тилшунос-мутахассислар билан келишиб, уни амалиётга киритиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Архив соҳасида ишлатилаётган 100

алифбосини, имло қоидаларини янада такомиллаштириш ва янги ёзувга тўлиқ ўтишни таъминлашда тил бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни беқийсдир.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб эса ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимини баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг

Тилга садокат – ВАТАНИЙ ИШДИР



давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланиши йўлга қўйилганлиги эса тил сиёсатини юритишнинг функционал йўналишларидан бири ҳисобланади. Демак тил сиёсати энди аста мафқурага айланиб, онгимизга сингиб бораверади.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва обрўини юксалтиришнинг ягона йўли – таълим.

Биз мактабгача таълимдан бошлаб оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантирмас эканмиз, ўзбек тилининг нуфузини бой берармиз. Жорий йилда яна бир катта муваффақиятга эришилди. Ташқи реклама ёзувлари аввал давлат тилида акс эттирилиши қонун билан белгиланди. Бироқ, негадир унинг ижроси кўзга ташланмаётир...

Демак, ўзбек тилини мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тўлақонли ифодаланишини таъминласак ва такомиллаштириб борсак, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлардан гурурланиш руҳида тарбияласак, она тилига бўлган ҳурмати, меҳр-мухаббат янада ортиб бораверади.

Ана шундагина биз юртимиздаги ҳар бир фуқароннинг давлат тилини билишига ҳамда буни бурч ва мажбурият сифатида ҳис этишига эришармиз.

Шухрат МИР РАЙИМ,
“Ўзархив” агентлиги директори
маслаҳатчиси

Лотин ёзувида асосланган ўзбек

мий биродарлик алоқаларини ҳамиша қўлаб-қувватлаётганини дилдан ҳис этамиз. Масалан, яқинда мега шаҳримиз Чимкентда жуда катта миқёсда ўзбек тили кунини нишонладик. Бу бебаҳо тилнинг бетакрор жозибаси, жаҳонро мавқеи, бу тилда яратилган адабиёт ва санъат дурдоналари кенг тарғиб этилди. Ўзбекистон ҳукуматининг

занди бўлган истеъдодли ўзбек журналисти Шарофиддин Тўлаганов айтган бир маълумот эътиборимизни тортди. Қаранг, шу мўъжазгина қишлоқдан етти нафар “Ўзбекистон халқ” ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган” даражасидаги унвонларга эга санъат ва маданият намояндалари, зиёлилар етишиб чиққан экан. Ўзбекистон халқ шоири Туроб

жас Сулаймонгача бўлган зарофатли ижодкорларнинг бирор ҳикмату мисрасидан қўшиб гапираркан.

“Қишлоқда донги таралган шоирларимиз ўндан ортиқ, бировга билдириб-билдирмай шеър ёзиб юрадиганлари эса сон-саноксиз”, дейишди улар...

Дарвоқе, шоир Туроб Тўланинг қуйидаги сатрлари қишлоқнинг ўзига хос норасмий мадҳиясига айланиб кетган экан. Уни ҳоқ етти ёшли боладан, ҳоқ етмиш ёшли оқсоқолдан сўранг, ҳеч тutilмай ёд айтади. Гап шеърни ёд олишда ҳам эмас, унга чин дилдан ишониш, эргashiш ва амал қи-

билмай боши қотган маориф мудирларимизу мактаб директорларимиз Жавлонбекдан ўрناк олсалар бўларкан...

Биздан салом айтинг...

Ҳар қандай меҳнатнинг роҳати қорин тўйгазishга бориб тақалгандек, анжуманининг ҳам энг ҳаяжонли дамлари “Ун қозонда – ун палов” шоири билан номланган ош фестивалига боғланди. Турли ҳудудлардан келган ошпазлар маҳорати билан тайёрланган паловлардан анжуман меҳмонлари, қишлоқ аҳли баҳраманд бўлдилар. Уларни баҳолаш учун ҳакамликка мазкур тадбирга Ўзбекистон



лишда. Бинобарин, турбатликларнинг ўзлари ашаётган маконга ихлосу мухаббатлари лирик қахрамоннинг самимиятидан ортиқ бўлса ортиқдирки, зиңхор кам эмас.

Энг дилбар одамни сўрдилар мендан,
Менинг отам дедим, отам албатта.
Энг лобар одамни сўрдилар мендан,
Менинг онам дедим, онам албатта.
Энг сийимбар Ватанини сўрдилар мендан,
Менинг, менинг дедим, менинг албатта,
Энг зукко замонни сўрдилар мендан
Менинг, менинг дедим, менинг албатта,
Емон кирдикоринг дея сўрдилар мендан,
Ғурбат, гурбат, дедим, гурбат албатта,
Энг суйган диёринг дея сўрдилар мендан,
Турбат, Турбат, дедим, Турбат албатта!

Эътиборлиси, қишлоқдаги Туроб Тўла номли мактаб директори Жавлонбекнинг айтишича, мактаб педагогик жамоасидан тортиб, ўқувчиларгача ашаддий газетхон экан. Куюнчак муаллимнинг: “Унлаб нашрларга 20-30 нусхадан обуна бўлганмиз. Барибир газеталар етишмаяпти”, деган гапига муҳаррир бўлганмиз учун эмас, аввало, бир ижодкор сифатида лол қолдик.

Бугун вилоятимизда таълим сифати мамлакатда энг куйи ўринларда эканидан андак хижолат чекиб, аҳволни қандай ўнглашни



Саҳобиддин РУСТАМОВ олган суратлар

қўллаб-қувватлови ҳамда Ёзувчилар уюшмаси кўмагида бу йил Қозогистонга 6 минг дондан зиёд ўзбек тилидаги адабий-бадиий китоблар етказиб берилди. Айни пайтда биз уларни бутун мамлакат бўйлаб ўзбекзабон китобхонлар фойдаланишлари учун турли маърифат масканларига етказиб берапмиз.

Бир қишлоқнинг етти чақмоғи

Турбат қишлоғидан кўплаб таниқли ўзбек зиёлилари етишиб чиққанини халқларимиз яхши билади. Шу кўни мезбонлар сафида бизга ҳамроҳлик қилган таниқли сийсий шарҳловчи, асли шу қишлоқ фар-

Тўла, Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озод Акбаров шулар жумласидандир...

Бир вақтлар раҳматли адибимиз Саид Аҳмад паркентликлар ҳақида гапира туриб, бу ерда адабиётга, шеъриятга ошно, таъби назми баланд инсонларнинг кўплигига ишора қилиб: “Паркентлик аёлларнинг шеърга боши қоронғу бўлади, шекилли”, деб мутуйба қилган эканлар. Бу қочиримнинг манзилини бир оз ўзгартириб, турбатликлар учун ҳам бемалол кўпласа бўларкан. Бу ерда ким билан гаплашманг, суҳбатда муқаррар равишда ҳазрат Навоийдан тортиб Абайгача, Эркин Воҳиддан тортиб Ўл-

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ



Кўзгудаги ўзимиз

Бундан қирқ йил муққадам шу мавзудаги каттагина мақолам Оҳангарон тумани газетасида босилиб чиққанди. Хўш, қирқ йил аввалги мақоладан кейин нималар ўзгардию, нималар ўзгармай қолди?

Ўзингизга яхши маълум, бизнинг Оҳангарон шаҳримиз 1957-йилларда қурилиши бошланган цемент заводининг шарофати билан бунёд бўлган. 1966 йилда Хонобод посёлкаси Оҳангарон шаҳри номини олди ва 1976 йилдан бошлаб вилоят бўйсунувига ўтди.

Нега Хонобод Оҳангарон деб номланди? Бу ҳам қизиқ жумбоқ.

Маълумки, Олмалиқ шаҳри 1951 йилда, Ангрен шаҳри эса 1946 йилда, ундан ҳам ўтмишда, аниқроғи, 1926 йилда Қурама, яъни, ҳозирги Оҳангарон тумани ташкил топган.

Ким кўмирчилар шаҳрига Ангрен номини берди? Бу жуда оддий ва қулғули ҳоқиқат, ҳеч кимнинг парвосига келмайди. Бир номда икки ҳудуд! Ангрен дегани асли Оҳангароннинг бузилган бир вариантидир. Оҳангарон сўзига русийзабон аҳолининг тили келишмагани оқибатида пайдо бўлган истилоҳдир бу. "Ахангара"- "Ахенгарен"- "Хангрэн" ва нихоят "Ангрен"...

Оҳангарон дарёсининг Олмалиққа ўтиш кўпригида "Р. Ангрен" деб ёзилиши ҳам жуда ғалати...

Айтилайик, шу кунгача Қорахитой, Унгут, Облик ва Телов сўзларининг маъносини билмаймиз. Ҳар ким ўз ҳолича фикр юритади, биров ундай дейди, биров бундай дейди ва буларнинг бирортаси ўз илмий ва тарихий тасдиғини топган эмас. Чўқур илмий ўрганишга муҳтож атамалар...

Биз, масалан, Москва, Екатеринбург, Новосибирск каби шаҳарларнинг номини бузмай, тўғри ишлатамиз. Нега, руслар, Тошкентни Таш-

"Ахангара" - "Ахенгарен" - "Хангрэн" ВА... АНГРЕН

кент, Бухорони Бухара, Қўқонни Коканд деб бузиб ёздилар? Бу жуда жиддий сабоқ ва ҳулосалар берадиган алоҳида бир мавзудир.

Хуллас, 1982 йилги мақоладан кейин Оҳангарон шаҳрига Хонобод, Ангрен шаҳрига эса Оҳангарон номини қайтариш учун анча ҳаракатлар бўлди ва улар, афсуски, бесамар кетди.

Уша мақолада Оҳангарон шаҳридаги кўчаларнинг номланиши қаттиқ танқид қилинганди. Масалан, ўша кезларда агар кўчада касалхона бўлса "Больничная", почта бўлса "Почтовая", аэродром бўлса "Аэродромная", ариқ бўлса "Аричная" ва агар тут дарахти бўлса "Тутовая" деб номлаб қўйиларкан. Наҳотки, одамларимиз шу қадар лоқайд бўлишган, деб ўйланасан, киши. Афсуски, ҳозир ҳам бундай баттарроқ эканимизни ўйлаб ҳайрон қоламиз.

Тўғри, мақола чиққач, кўпгина номлар ўзгарди. "Восход" кинотеатри "Хонобод" номини олди. "К.Каландаров", "Н.Бойматов", "Т.Юсупов", "А.Каримов", "К.Холмухамедов", "А.Набиев" ва "Ф.Хужаев" каби кўчаларнинг янги номлари пайдо бўлди. Бироқ, бу иш ҳам охирига етмади. Биргина асосий кўчадаги учта ном, яъни, "К.Холмухамедов", "Ленин"

мур, ҳазрат Навоий номи билан аталадиган кўчалар борми? Бор бўлса улар қаерда?!

Очиги, ўзим ҳам насронийлар қабристони ва маийши хизмат коллежи биносигача бўлган кўчанинг номини бундан икки йил муқаддам, тўғрироғи, мазкур кўча анчадан бери асфальтланмаётганлигини танқид қилганимдан сўнг, менга келган жавоб хатидан билдим. Буни қарангки, кўча Навоий номида экан! Унгача билмас эканман, агар ҳазрат Навоий тилириб келганларида, ўша вақтдаги кўчанинг аҳолини кўриб, шундай деган бўлардилар:

"Қўзим чиқсин сени кўраунча мундоқ..."

Бирмунча вақт қандайдир тах-тачага "А.Навоий номли кўча" деб ёзилган лавҳани насронийлар қабристони олдидаги симёточга илиб қўйишди ва бу ерни макон тутган машина югвучилар эса кейинроқ уни олиб ташлашиб, "Вулканизация" деган лавҳани осиб қўйишди.

Энди тўртинчи кичик тумандаги кўчаларнинг номланишини олиб кўрайлик. "Баҳор", "Тинчлик", "Пахтакор", "Меъмор", "Қурувчи", "Янгилик" ва ҳоказо. Бу кўчаларга ким ном берган ўзи? Бу ҳақда "Ёшлик" маҳалласидаги ёши улғурлардан сўрадим, ҳеч ким жўяли жавоб беролмади. Нихоят,

ўша пайтда шаҳар катталаридан бўлган бир акахонимиз секингина жилмайиб, шундай деди:

— Ҳа, буни тор доираларда, вақт жуда зиқ пайтларда шаҳар раҳбари, меъмори ва яна бир-икки киши кабинетда ўтириб ҳал қилиб юборганмиз...

маларимиз ва шоирларимиз бор. Ҳар бир ҳудуднинг фахри бўлган, ёшларга ибрат ва намуна бўла оладиган сиймолари бор. Масалан, Оҳангарон туманининг ҳам Усмон Умарзода, Иброҳим Алиев, Мансур Қорахўжаев, Маҳмуд Давронов, Тожимуҳаммад Хушназаров, Ҳусан Уропов, Ўткир Зулфиев, Тоштон Султонов, Холтура Эшназаров, Умар Умрзоқов, Мамадали Давлатов, Хидирали Хайиткулов, Акрам Аъзамов, Илёсхон Ахроров, Саттор Орипов каби таниқли фарзандлари ўтган. Биз уларни биламиз. Аммо яна

Яна жой номларига эътиборсизлигимиз ҳақида

— Аҳолидан бир оғиз фикр сўралмаганми?

— Йўқ, сўралмаган. Ҳеч ким эътироз ҳам билдирмаган. Бунақа саволни сиздан биринчи марта эшитяпман...

Ҳозир замон шиддат билан ўзгаряпти. Масалан, "Истиклол" санъат саройининг номи "Халқлар дўстлиги" дея қайта алмаштирилди. Уруш йилларида ўн ўрт нафар болани боқиб олган темирчи Шомамудовлар оиласи акс этган монумент яна ўз ўрнини топди. Генерал Собир Раҳимовнинг ҳайкали ҳам ўзгача салобат билан қад ростлади. Бироқ, туман номи барибир "Олмасор" бўлиб қолди.

Биринчи ўзбек композитори, драматурги, ўзбек адабиётининг йирик намоёнаси Ҳамзага ҳам муносабат ўзгармоқда. Бироқ, пойтахтдаги Ҳамза тумани Яшнобод деган ном билан "яшнаб" келяпти.

"Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир", деган эди буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий.

Биз буюк элмиз. Буюк алло-

ўн-ўн беш йилдан кейинги авлод ҳам билади дея оламизми? Буни-си жумбоқ.

Шундай экан, улар орасидан энг муносибларининг номларини кўчаларга бериб абадийлаштиришда фақат хайр ва ибрат бор, деб ўйлайман. Ахир, кўчаларни ҳеч қандай маъно ва аҳамият касб этмайдиган "Олмасор", "Шафтолизор", "Гулзор", "Теразор" деб номлаш қай даражада ўринли? Наҳотки, бир тузукроқ ном, муносиб из қолдирган сиймолар шу қадар қаҳат бўлса?

Шу каби саволларимга жавоб олиш учун шаҳримизнинг ҳозирги катталари билан боландим, бироқ бирор киши дурустроқ жавоб бера олмади.

Муҳтарам газетхон! Мен фақат шахсий фикрларимни билдирдим, холос. Балки, бу масалага масъул бўлган раҳбарларнинг фикри ўзгача ва тўғридир. Буни эса вақт кўрсатади.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Журналистлар уюшмаси аъзоси
Оҳангарон шаҳри

Пенсия тайинлашнинг янги тартиби тасдиқланди

Хабарингиз борми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 13 октябрдаги қарори билан Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

мавжуд маълумотларни текшириш тўғрисида қарор қабул қилишига йўл қўйилмади:

- жамғариб бориладиган пенсия тизимидан;
- пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестридан;
- фуқаролар иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестридан;
- ягона миллий меҳнат тизими

идоралараро дастурий-аппарат комплекси ва бошқа вазирлик, идораларнинг ахборот тизимларидан.

Қуйидагиларни тайинлашни сўраб мурожаат қилганда илова қилиниши зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд бўлган ҳолларда илова қилинмади:

- ёшга доир пенсия тайинлашни;
- ногиронлик пенсиясини тайинлашни;

Дарвоқе

моқда. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг банклардаги маблағларини уларнинг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки ҳисобдан чиқариш ва ортқича ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилмоқда.



«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида»ги қонун ID-69486 лойиҳаси regulation.gov.uz.uz порталига кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган.

Ушбу лойиҳада Ўзбекистон Жиноят кодексига янги 192-12-модда киритилиши таклиф этил-



Пойхарада агар банк ҳисобварағидида пул маблағларни мижознинг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки ҳисобдан чиқариш, ва ортиқча ундирилган пул маблағларини жисмоний ва юридик шахсларнинг биринчи талабига асосан қайтармаганлик учун маъмурий жазо қўллангандан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 300 соатдан 360 соат мажбурий жамоат ишлари ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, ўша ҳаракатлар, кўп миқдорда зарар етказган ҳол-

КАРТАДАН ПУЛ ЎҒИРЛАШ 8 ЙИЛГАЧА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛИШГА САБАБ БЎЛАДИ

да, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, БҲМнинг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 3 йилдан 5 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда уюшган гуруҳ манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса, БҲМнинг 500 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 5 йилдан 7 йилгача озодликдан

маҳрум қилиш билан жазоланади. Бу дегани, агар банк мижозларини рухсатисиз уларнинг банкдаги маблағларини қонунга хилоф равишда бошқа жойларга ўтказса ёки мижоз талаб қилганда вақтида қайтармаса ёки ортқича пул ундириб, уни ўз вақтида қайтармаса, юқорида келтирилган жавобгарлик белгиланади.

Фирибгарлик ва ўғрилик учун жазо оғирлаштирилиши мумкин. Ахборот тизимларига ноқонуний кириб ва улардан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти учун БҲМнинг 300 бараваридан 400 бараваригача жарима

тўланади. Ҳозир бу миқдор 100 дан 300 гача ёки амалдаги нормага кўра ушбу жиноят учун 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, эндиликда бу муддат 5 йилдан 8 йилгача этиб қатъий белгиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, агар рухсатсиз сизнинг картангиздан пул ўғирлашса ёки сизни алдаб карта маълумотларингизни олиб тунашса, 90 миллион сўмдан 120 миллион сўмгача жарима ёки 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

ЎЗА

СПОРТ янгиликлари

Ҳамюртларимиз кучли учликда

Қувайтда енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати ўз якунига етди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси 5 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медалларини жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг сўнгги кунда 2000 метрга тўсқилар оша югуриш баҳсида энг яхши натижа қайд этган Дилшода Усмонова олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, лангарчўлга таяйиб сакраш дастурида Жасмина Мансурова 3,60 метр билан кучли учликдан жой олди ва жамоамизга бронза медалини тақдим қилди.

Бунга қадар атлетларимиздан баландликка сакрашда Барнохон Сайфуллаева, кўпқурашда Нодир Норбоев ҳамда узунликка сакраш ва уч хатлаб сакрашда Шарифа Давронова терма жамоамизга олтин медалларни қўшиб қўйишган бўлса, худди шу йўналишда Хушноза Шавкатова кумуш медалга эга чиққан эди.

“Металлург” – “Динамо” – 1:0

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 22-турига старт берилди. Ушбу турда Бекободнинг “Металлург” жамоаси Самарқанднинг “Динамо” клуби майдонида ўйнади.

Қизгин лаҳзаларга бой ўтган баҳсда бекободликлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Учрашувдаги ягона голга 19-дақиқада “Металлург” футболчиси Бектемир Абдуманнонов муаллифлик қилди.

Ўйинда “Динамо”нинг икки нафар, бекободликларнинг бир нафар ўйинчиси майдондан четлатилди.

Ушбу ғалабадан сўнг “Металлург” клуби очколар сонини 29 тага етказиб, турнир жадвалининг 7-поғонасига кўтарилиб олди. Жамоа кейинги турда ўз майдонинда Фарғонанинг “Нефтичи” клубига қарши баҳс олиб боради.

Бензема – “Олтин тўп” соҳиби!

Парижда футбол бўйича ўтган мавсумнинг энг яхшиларини аниқлаш маросими бўлиб ўтди.

Яқуний натижаларга кўра, Мадриднинг “Реал” клуби ҳужумчиси Карим Бензема 2022 йилги “Олтин тўп” мукофотини қўлга киритди.

34 ёшли франциялик футболчи ўтган мавсумда Мадрид клуби билан Чемпионлар Лигаси, Ла Лига, УЕФА Суперкубоги ва Испания Суперкубогида ғолиб бўлди.

Шунингдек, ҳужумчи ЕЧЛда 15 та, Испания чемпионатида 27 та гол билан тўпурарга айланди.

Топ-5 дан “Бавария”нинг сенегаллик вингери Садио Мане (2), “Манчестер Сити”нинг бельгиялик ярим ҳимоячиси Кевин де Брейне (3), “Барселона”нинг польшалик форварди Роберт Левандовски (4), “Ливерпуль”нинг мисрлик ҳужумчиси Муҳаммад Салох (5) ҳам ўрин олди.

Суҳробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

Лавжалар ва лаҳзалар

ЦЕЗАРНИНГ ТОПҚИРЛИГИ

Гражданлар уруши вақтида Африка соҳилларида кемадан сакраб тушган Юлий Цезарь қоқилиб кетиб, юз тубан йиқилиб тушади. Жанг олдида қўмондоннинг йиқилиб тушиши ёмонлик, яъни мағлубият белгиси эди.

Жуда истеъдодли шахс бўлган буюк саркарда ва давлат арбоби ўзини йўқотиб қўймай, дарҳол ерни ўпа бошлади. Ер ўпиш – ғалаба рамзи эди.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА АҲМОҚЛИК

Одамларнинг ўз қиёфалари, қад-қоматлари билан гурурланиши аҳмоқликдан бошқа нарсаси эмас, отаналари, аждодлари, дўстлари, келиб чиқишлари ва ўз миллати билан гурурланиш эса янада аҳмоқона мазмун касб этади. Дунёдаги кўпгина ёвузликлар айнан ана шундай гурур хисидан келиб чиқади.

ПАРДАЛАНГАН ҲАҚИҚАТЛАР

“Бутунжаҳон театр – одамлар эса актёрлар”. Мен тарихни ўрганганман. Асрлар давомидо актёр-одамлар фақат ўша битта пьесани ижро этишади. Уларнинг кийимларига ўзгариб туради – тоғалар, қамзулар, фраклар, сюртуклар, панталонлар, жинсилар...

Бироқ пьеса эса ўша-ўша. Бу пьесани ҳоқимият, пул ва турли майл-манфаатлар учун кураш ҳаракатга келтириб туради. Аммо бу-

Одамлар ва оилалар ўртасидаги жанжаллар, халқларнинг бир-бири билан урушлари худди шу нарсаси сабаб бўлади. Ўзини ҳаммадан кўра энг яхши деб билиш – ёмон ва аҳмоқликдир. Ўз халқини бошқа барча халқлардан устун ва энг яхши деб билиш эса мавжуд аҳмоқликлар ичидаги энг катта аҳмоқликдир.

Лев Толстой, рус ёзувчиси

Бутун XX аср давомида одамлар ёруғ келажак назариясини амалга ошириш билан машғул бўлишди. Лекин техника тараққиёти ва “ёруғ келажак” назариялари концлагерлар, террорлар ва миллионлаб инсонларнинг қони тўкилиши билан якун топди.

Эдвард РАДЗИНСКИЙ

Жалолиддин САФОЕВ таржимаси

Истайсизми-йўқми, шеър тили — сунъий тил. Табиий тарзда тилда қофия қўлланмайди, вази ишлатилмайди. Шу икки жиҳатнинг ўзи шеър тилининг сунъийлигини исботлаш учун тўла етарли. Ҳолбуки, шеър тилида яна қанчадан-қанча нотабиийликлар бор: тимсол, ташбеҳ, инверсия, истиора, радиф ва ҳоказо.

Бироқ... Ҳақиқий шоир ана шу нотабиийликлар орасида табиийлик топади. Бунинг учун ўзи ижод қилаётган тилнинг ўта табиий жиҳатларини излайди, топади, шуларга суянади. Алишер Навоий бунинг энг юксак, энг ёрқин намунасини кўрсатган.

Мумтоз шеърятимизда "фард" деган жанр бор. "Фард" сўзи "битта", "якка", "ёлғиз" деган маънони ифодалайди. Истилоҳий маъноси ҳам шун-

Ҳайрат

га айнан мос келади: биттагина байт, яъни икки мисрадан иборат мустақил асар "фард" саналади.

Навоий "Фавойид ул-қибар" девонининг 84-фарди мана бундай жанрда:

"Белу оғзидин, — дедиларким, —
дегил афсонае",
Бошладим ф-ул-ҳолким: "Бир бор эди,
бир йўқ эди..."

Асарнинг бошдан-оёғи шу. Тамом. Мазмуни ҳам — соддагина: "Менга:

ни ҳам билиб оламиз: демек, XV асрда ҳам ўзбек эртақлари, худди ҳозиргидек: "Бир бор экан, бир йўқ экан..." — деб бошланган экан.

Навоийнинг "Наводир уш-шабоб" девони 483-ғазали:

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?
Кўнгулма ҳар бирининг дарду балосинму дейин?! —

деган матлаъ билан бошланади. Бу — ажойбдан-ажойиб ғазал! Қанчалар

кўринади. Ҳозир ҳам айрим шеваларимиз, масалан, Бухоро шевасида: "Борган эканми?" — дейилади, аммо бошқа, масалан, Фарғона ва Тошкент шеваларида: "Борганмикан?" — дейилади.


"Ғаройиб ус-сиғар" девонининг 517-ғазали:

Жонда жонпарвар сўзидурму лаби хандониму,
Рухум ороми дейинму ани жоним жониму? —

матлаъси билан бошланади. Бу ерда

— Навоийнинг насрий асарларидаги тил. Насрда тил табиийлигини сақлаш имконияти шеърдагидан кўра кўпроқ бўлади, албатта.

"Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват" тазкирасида шундай жумлаларга дуч келамиз: "Шайх Абу Бакр Шиблий қуддуса сирруҳудин бир фақиҳ сўрубдурки: "Закот адо-си не навъдур?" Шайх дебдурларки: "Санга фарз бўлур закотниму дейин ё манга фарз бўлур закотниму дейин?" (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар



Тилга жўрматни НАВОЙИДАН ЎРГАНИНГ



Muassis:
**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**

"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra'no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:
(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10

e-mail: toshkenthqiqati@gmail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosishga topshirildi — 22.20
Nashr ko'rsatkichi — 205.
Buyurtma G-1035.
3 918 nusxada chop etildi.
Hajmi — 2 taboq. Offset usulida
bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456



ҚАРШИМДАГИ ҲАҚИҚАТ

Ишдан кеч қайтаётиб йўл четида майда-чуйда нарсалар сотадиган болакайни кўриб, машина тормозини босдим. Сотагга қарадим: 00:42. Болани чақирдим. Бешинчи ё олтинчида ўқиса керак деб ўйладим. Йўқ, учинчи синф экан.

Кўп кўраман бу болани. Бир бутилка "кола" олдим. Одатдаги нархдан минг сўм кўп айтди.

— Нега қиммат, доллар ошганигами? — сўрадим кулгандай бўлиб.

— Э, амаки, доллар нималигини билмайман, лекин нарсаларни қимматга оляпмиз ўзимиз ҳам.

У бу гапни шундай оҳангда айтдики, ҳазилим ўзимга майда, жуда-жуда бачкана туюлди.

Нега ярим кеч бўлсаям уйга кетмаётганлигини, ота-онаси нима иш қилишини сўрадим.

— Ҳов, ана ойм, — деди у сал нарироқда тескари қараб ўтирган жувонни кўрсатиб. — Мендан ташқари яна бир укам, бир синглим бор. Бизни боқиб у-ун онам кун бўйи мардикорлик қилади, кечқурун эса мен нарса сотаман, у укаларимга қарайди. Отам эса ҳар кун ичади. Онамни уради. Уйга боргандан кўра шу ер, шу кўча яхши.

Мен учинчи синф боласининг ҳали муррак бўлишига қарамадан зиммасига эрта юкланган масъулият боис кексайиб қолганини англаб етдим.

Қаршимда саботсиз отанинг қилиқларидан уялиб, улғайиб қолган БОЛА турарди, унинг тимсолида эса одамларнинг иш билан таъминланаётгани борасидаги сохта ва ёлғон кўрсаткичларни синдириб ташлаган ҲАҚИҚАТ турарди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
журналист



Устоз маошини олди. Уйига қайтишда жамоат транспортига минди. Тикилинч одамлар орасидаги ўғри унинг пулини билдир-

"ОҚИБАТ"

масдан олиб кўйди. Чиптачи келиб, йўл ҳақини сўраганида чўнтагини кавлаб, юзи қизарди, хижолат бўлди. Чиптачи масҳараомуз деди:

— Савлатингизни қаранг. Наҳотки сизда шу арзиманган пул бўлмаса?..

Ўғрининг ботирлиги тутиб, чиптачага:

— Дўстим, устоз учун мен пул тўлайман, — деди.

Устоз ўғрига деди:

— Аллоҳ ишингизга барака берсин. Сизга ўшаганлар кўпайсин!

Йўловчилар ҳам ўғрини мақтаб, унинг "жўмардлиги"ни олқишлашди:

"Аллоҳ сенга ажр берсин! Сен сингарилар кўпайсин!"

Дарҳақиқат, улар кўпайди...

А. ҲУСАНОВА

Пири бадавлатларимиз



Бир аср хижматни

Оққўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номли маҳаллада яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Файзулло Нурматов машаққатли ҳаёт синовларидан мардонавор ўтиб, муборак 102 ёшни қаршилади.

Узоқ ва мазмунли яшашнинг сири ҳалол меҳнат, сабр-қаноат, оиладаги меҳр-оқибатда, деб ҳисоблайдиган Файзулла

ота бугун дориламон кунларга шукрона айтиб, 30 нафардан зиёд назираю эваралар эъзозиди.

Суратда: Уруш ва меҳнат фахрийси Файзулло Нурматов набираси, шоир, "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби Сайфуддин Оканов билан суҳбатлашмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

"ЭРКАК"

Узоқ вақтдан бери кўришмаган бир таниш акаимизни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кайфияти чоғ.

— Иккита участка қуриб қўйдим. Данғиллатиб тўй қилмоқчиман. Ишлар зўр. Режалар кўп, ҳаммаси секин-секин бўляпти, — деб мактаниб кетди.

— Баракасини берсин, — дедим. Нималар қилганидан сўзлаб, яна оғзидан бол томиб гапира бошлади. Бир пайтлар ишлари юришмай, қийналиб яшарди. Яхши бўлибди, дедим ичимда астойдил омад тилаб.

— Топиш-тутишингиз яхши бўлди-да. Қаерда ишляпсиз? — дедим қизиқсиниб.

— Мен пуллари жой-жойига қўйиб юрибман-да, ука. Ҳаммасини келиннинг қиялти, — деди у мам-

нун бош чайқаб.
— Қанақасига?
— Туркияга юборганманку келиннинг. Топиши яхши...



"НОМЕР"

— Фалончи машинасига номерни четкийсидан олибди ўзим.

— Яхши ишлаб келди-да. Уч йил ишлади-ёв Россияда.

— Арзийдиямда номер шу пулга.

(Газ заправкада бўлган ҳангома)

Отабек ЙҮЛДОШЕВ
Оққўрғон тумани

Фотонигоҳ



Ё сен келгин, ё мен борай...